КАЛИНИН РАЙОНИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 159 (6020).

16 АВГУСТ

СЕШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов**нинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми якунлари ҳамда КПСС XXV съезди қарорлари асосида партияга қабул ва ёш коммунистларни тарбиялаш ишларини янада яхшилаш юзасидан область партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисидаги докладини муҳокама қилдилар.

Ўртоқ М. М. Мусахонов доклади юзасидан музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари **К. П. Дудин**, Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари **Э. Хатамов**, Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози директори **Т. Мелибоева**, Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари **М. И. Кунов**, Киров район партия комитетининг биринчи секретари **Г. Қ. Ҳайдарова**, «Миконд» заводи партия комитетининг секретари **А. И. Фозилбеков**, Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари **Ш. Н. Бобоев** ва Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози партия комитетининг секретари **С. Турсунов** иштирок этдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, совхозлар, колхозлар ўртасида давлатга сабзавот ва полиз маҳсулотлари, картошка, ҳўл мева ва узум сотиш юзасидан шу йил август ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўстонлиқ районида** (район партия комитетининг секретари М. Кунов, район ижроия комитетининг раиси А. Айдарқулов, район комсомол комитетининг секретари М. Норметова, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзи район комитетининг раиси Ш. Норпўлатов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи З. Саидкаримов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори П. Жуманов, ўртоқлар) қолдирилди. Район меҳнаткашлари давлатга ассортиментда сабзавот сотиш йиллик планини 40,7 процент, картошка сотиш планини 74,9 процент, ҳўл мева сотиш планини 93,2 процент бажардилар. Августнинг биринчи ўн кунлигида сабзавот топширишда йиллик планга нисбатан 8,8 процент, картошка топширишда 9,6 процент, ҳўл мева топширишда 20,9 процент ўсишга эришилди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районидаги «Назарбек» совхозига** (директори Х. Қорахўжаев, партия комитетининг секретари Р. Исамуҳамедов, ишчилар комитетининг раиси Т. Жабборов, бош агроном М. Тамиров ўртоқлар) берилди. Совхоз ишчилари давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планини 65,7 процент, картошка сотиш планини 100 процент, ҳўл мева сотиш планини 46,6 процент бажардилар. Августнинг биринчи ўн кунлигида сабзавот маҳсулотлари топширишда йиллик планга нисбатан 16,3 процент, картошка топширишда 8,2 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига** (раиси М. Убайдуллаева, партия комитетининг секретари Х. Иброҳимов, бош агроном М. Болтабоев ўртоқлар) берилди. Колхоз меҳнаткашлари давлатга сабзавот сотиш йиллик планини 60,0 процент, картошка сотиш планини 73,0 процент, ҳўл мева сотиш планини 61,0 процент бажардилар. Август ойининг биринчи ўн кунлигида сабзавот топширишда 14 процент, ҳўл мева топширишда 8,0 процент ўсишга эришилди.

Байрок Калинин районидаги «Москва» колхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Бўстонлиқ районига, Калинин районидаги «Назарбек» совхозига, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАЛАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.

Пискент	0,4	103,6
Калинин	0,6	101,8
Оржоникидзе	—	100,7
Оҳангарон	0,9	95,0
Юқори Чирчиқ	1,0	91,8
Бекобод	0,1	90,7
Тошкент	0,1	89,6
Янгийўл	2,5	88,2
Бўка	0,4	88,1
Қуйи Чирчиқ ўрта	2,3	87,6
Чирчиқ	0,1	86,7
Оққўрғон	—	86,5
Чиноз	0,1	85,6
Бўстонлиқ	2,5	77,4
Область бўйича:	0,7	92,0

УЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин тўла асарлар тўплами бешинчи нашрининг ўттизинчи томини ўзбек тилида босмадан чиқарди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти асарни босмага тайёрлаган.

(ЎзТАГ).

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари ёшлар билан тез-тез учрашиб туришади. Бунда улар босиб ўтилган шонли йўл анъаналари ҳақида гапириб берадилар. Суратда: Калинин номли колхознинг ишлаб чиқариш илғори Анвар Айдаров ва «Узгариш» қишлоқ Советининг секретари Қобил Зокиров ёшлар билан суҳбатлашмоқдалар.



Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ Ю. ЦЕДЕНБАЛ БИЛАН ДЎСТОНА УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида дам олаётган МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал билан 12 август куни Қримда учрашди.

Л. И. Брежнев билан Ю. Цеденбал ўртоқлар ўз мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётининг актуал проблемалари тўғрисида, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш соҳасида КПСС билан МХРП фаолияти ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар. Ю. Цеденбал Совет ҳокимиятининг бўлажак 60 йиллик юбилейи ғоят катта халқаро аҳамиятга молик воқеа эканлигини таъкидлаб, монгол халқининг тақдири Улуғ Октябрь социалистик революцияси билан тарихан чамбарчас боғланганлигини айтди. Октябрь революцияси Монголия учун социализм йўлини очиб берган 1921 йилги халқ революциясининг ғалаба қилишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Учрашувда ҳар томонлама Совет—Монгол ҳамкорлигини ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, МХР партия—ҳукумат делегациясининг 1976 йил октябрида СССРга қилган визити вақтида эришилган аҳдномалар ҳамда имзоланган ҳужжатларнинг амалга оширилиши борасида фикр алмашилди.

Учрашув самимий, дўстона муҳитда ўтди.

ЙИЛЛИК СУТ ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ЯНГИЙЎЛ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси чорвадорлари катта зафар қучдилар. Давлатга 528 тоннадан ортиқ сут топширилиб, йиллик план муддатидан беш ой олдин бажарилди. Планда белгиланганига нисбатан 50 тонна кўп сут топширилди.

Чорвадорлар пландан ташқари маҳсулот топширишни давом эттирмоқдалар. Улар ҳар бир соғин сигирдан олинадиган сутни 3 минг килограммга етказиш, яна камида 700 тонна серқаймоқ сут топширишга аҳд қилдилар.

ИЛҒОР СУВЧИЛАР

Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози аъзолари ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом эттирмоқдалар. Ҳосили кам майдонларга қўшимча ишлов бериляпти.

Колхознинг ҳамма бригадаларида ғўзани суғориш икки сменада ташкил этилган. Сувчиларнинг баракали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Шу туфайли Асад Бобожонов, Ўринбой Султонов, Хусан Парпиев каби сувчилар кундалик нормаларини ортиғи билан адо этишяпти.

Г. ИСОҚОВА.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

13 августда Тошкент область партия комитетида область, шаҳар, район ва кўп тиражли газеталар, область телевидениеси ва радиоси журналистлари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Область ижроия комитетининг раиси П. Ю. Юсупов йиғилганларга маҳаллий Советларининг қишлоқларда турмуш маданиятини юксалтириш соҳасидаги фаолияти ва ҳутор системасини тугатиш ишларининг бориши ҳақида сўзлаб берди.

Конференцияда область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик давомида олиб борилаётган идеология ишлари, редакция ходимларининг СССР янги Конституцияси лойиҳаси муҳокамасини ёритиш соҳасидаги вазифалари тўғрисида гапирди.

Конференцияда П. Ю. Юсупов ва А. М. Ҳўжаев журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

(Давоми 2-бетда).

ЙЎЛИН ЙЎЛ

Р. ҚАМБАРОВ,

Калинин район партия комитетининг биринчи секретари

ВАТАНИМИЗ уфқида озодлик, тенглик, дўстлик ва бахт қуёши биринчи бор заррин нур сочган кунга 60 йил тўлаяпти. Бу йиллар эркин меҳнат кишисининг жамият тараққиёти, инсоният бахт-саодати йўлида қандай қаҳрамонлик ва фидойилик, фаровонлик чўққилари сари парвозда нақадар мустаҳкам ирода ва ғайрат-шижоат намуналарини намоён этишга қодир эканлигини курсатди.

Улуғ Октябрь тонги отгандан буён ўтган тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. Шу жумладан, районимиз меҳнаткашлари ҳам саноат, қишлоқ хўжалиги, маданий ҳаётда ажойиб ютуқларга эришдилар. Кишиларнинг онги, билими юксалиб, турмуш бекиёс яхшиланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездига Ҳисобот докладида эришилган муваффақиятлар ҳақида тапирар экан, «Совет мамлакати, халқимиз машаққатли, лекин шонли йўлни босиб ўтдилар. Агар ҳар биримизга, коммунистларга бошқача йўлни танлаб олишни истармидингиз, деган савол берилса, йўқ, деб жавоб беради, деб ўйлаймиз. Бизнинг йўлимиз ҳақиқат йўли, эркинлик йўлидир, халқ бахт-саодати йўлидир», деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, шундай. Районимиз меҳнат аҳли онгида ҳукм сураётган ишга ижодий ёндошиш руҳи, юксак социалистик мажбуриятларни тўла адо этиш йўлидаги фидокорлик, фаровонликни янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи съезд минбаридан янграган сўзларнинг халқ фикри билан ҳамоҳанг эканлигидан далолат бериб турипти.

Калинин районн ташкил этилган 1933—1934 йилларда саноат корхоналари деярли йўқ даражада, колхоз-совхозлар эса жуда майда, камқувват хўжаликлар эди. Ҳозирги кунга келиб қурилиш материаллари комбинати, автомобиль ремонти заводи, Янгийўл ремонт-механика заводи, Тошкент гўшт комбинати, «Дамачи» балиқчилик хўжалиги каби 12 та йирик саноат корхоналари мавжуд. Буларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани 130 миллион сўмни, саноат маҳсулотлари реализация қилиш плани 128 миллион сўмни ташкил этади. Булардан ташқари 6 та транспорт корхонаси, 3 та алоқа муассасалари ишлаб турипти.

Районимиз территориясида капитал қурилиш кенг кўламда олиб борилмоқда. Йилдан-йилга янги корхоналар сони кўпаймоқда. Айниқса қишлоқларни қайта қуриш ишлари авж олдириб юборилди. Барча колхоз марказн посёлкалари қурилиши Бош план асосида олиб борилмоқда. Бу ишларни районимизда жойлашган 18 та турли йўналишдаги қурилиш ташкилотлари амалга оширмоқда.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ доҳиймиз В. И. Ленин Ватанимиз қудратини, халқ фаровонлигини оширишнинг асосий омиллари қаторида шаҳар ва қишлоқларни ёппасига электрлаштиришни орзу қилган эди. Ҳозир районимиз ўзининг йирик электр тармоқларига эга. Саноат ва қишлоқ хўжалигини электрлаштириш қизғин давом этмоқда. Бирор хонадон йўққи, унда электр нури порламаган бўлсин.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини тобора ривожлантириш учун бутун чора ва тадбирларни амалга оширмоқда. Колхоз-совхоз ишлаб чиқаришига партиявий раҳбарликни янада яхшилашни назарда тутиб Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони билан олдинги Калинин райони базасида иккита янги район — Тошкент ва Калинин районлари ташкил этилди. Аввалгидек, ҳозир ҳам Тошкент шаҳар ва бошқа саноат марказлари аҳолисини сабзавот, картошка, мева, узум, гўшт, сут, тухум маҳсулотлари билан таъминлаш вазифасини муваффақиятли адо этиб келаётган Калинин райони территориясида 5 колхоз, 11 совхоз ва 2 та паррандачилик корхоналари жойлашган.


Район партия комитети ва колхоз-совхозлар бошланғич партия ташкилотлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини, шунингдек КПСС Марказий Комитети октябрь (1976 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этаборнб, партиямиз аграр сиёсатини оғишмай амалга ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, хўжаликни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида партиявий иш услубларини тобора мукаммаллаштиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқдалар.

Комплекс механизациялаш, ишлаб чиқаришда химия воситаларидан фойдаланиш, сугориладиган ерлардан ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, теплица хўжаликларини кўпайтириш каби қишлоқ хўжалигини интенсивлаш масалалари доимий диққат эътиборимизда турибди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ўсишига имкон бермоқда.

Қишлоқ меҳнаткашларининг сиёсий ва маданий савияси узлуксиз ошиб бораяпти. Фақат кетмон ва омоч кучи билан куй кўриб келган деҳқон ҳозирги кунда ўз меҳнатини қудратли техника воситаларисиз тасаввур этолмайди. Районимиз хўжаликлари ихтиёридаги 117 ҳайдов, 216 чопиқ тракторлари, 106 культиватор, 30 та кўчат қадовчи машина, 15 та жўхори комбайни, 34 та силос бостириш мосламалари каби кўплаб турдаги техника меҳнаткашлар оғирини енгил қилмоқда. Техникадан унумли фойдаланиш йўлларини пухта ўзлаштириб олган «Бўзсув», «Хасково» совхозларида оддий ишчилар агротехника талабларига жавоб берадиган мосламалар ихтиро қилишмоқда.

Деҳқончилик маданиятининг тобора юксалаётганлиги амалий иш натижаларидан ҳам кўриниб турибди. Тўққизинчи беш йилликда шаҳарликлар дастурхонига пландаги 61 минг 700 ўрнига 85 минг тонна сабзавот, 6 минг 600 ўрнига 7637 тонна картошка, 8 минг 700 ўрнига 4 минг 950 тонна мева, 3 минг 350 ўрнига 3 минг 934 тонна узум, 2 минг 900 ўрнига 3 минг 135 тонна полиз маҳсулотлари ёки ҳаммаси бўлиб 110 минг тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди. 1976 йилда ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 1975 йилдагига қараганда сабзавот бўйича 19 центнерга, картошкадан 28 центнерга кўпайди.

(Давоми 2-бетда).



ВЕТЕРАНЛАР КЕНГАШИ

ИНҚИЛОБ туфайли қишлоқларимиз чирой очди, меҳнаткаш халқ маърифат олди.

Кексаларнинг ақли — олмос дейишади. Роҳат-фароғатда яшаётган отахон ва онахонлар ўзларининг билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатмоқдалар.

Район ишлаб чиқаришида фаол қатнашаётган Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветеранлари жуда кўп. «Қорасув» совхозидан машҳур сабзавоткор Абдураҳим ака Шерматов, Калинин номли колхоздан картошкакор Солиҳ Каримов, Куйбишев номли колхоздан Қобил Зокиров, шифокор Болтабой Худоёров, ўқитувчи Хусан Иброҳимовлар шулар жумласидандир. Улар ҳалол меҳнатлари, ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришаётганликлари, ўзларига топширилган ишга чуқур масъулият билан ёндошишлари туфайли ёшларга ибрат бўлмоқдалар.

Ёш авлодни коммунистик партия ва социалистик Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда 21 кишидан иборат Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветеранлари кенгаши катта ишлар олиб бормоқда. Кенгаш район маориф бўлими, ҳарбий комиссариати ва маданият бўлими билан ҳамкорликда мактабларда, колхозлар ва совхозларда, саноат ва қурилиш ташкилотларида суҳбатлар ўтказмоқда.

Дала ишлари қизғин олиб борилаётган шу кунларда кексалар ҳам далаларда, боғ-роғларда меҳнат қилиб, юбилей йили хирмонига баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Абдулла ҚОДИРОВ,
Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси.

МУСЛИМ ПУЛАТОВ колхоз ишлаб чиқаришининг энг кекса ветеранларидан. У қарийб чорак аср колхозга раҳбарлик қилди. Шу кунларда ҳам у мен қаридим, деб қўл қовуштирганлардан эмас. «Партия XX съезди» колхозида боғбонлик қилмоқда. Суратда: Муслим ота Пўлатов.

КАЛИНИН РАЙОНИ

ОЙДИН ЙЎЛ

(Бошн 1-бетда)

Чорвачилик соҳасида ҳам сезиларли муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Ўтган йили давлатга пландаги 2820 ўрнига 3628 тонна гўшт, 5200 ўрнига 6285 тонна сут топширилди. 1975 йилга нисбатан ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут 215 килограммга, гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 35 килограммга ошди.

Деҳқончилик маданиятини тинмай юксалтираётган, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этаётган, техника восталаридан оқилона фойдаланаётган колхозчи ва совхоз ишчиларининг номини бугун биз ҳурмат билан тилга оламиз. Калинин номли колхоздан С. Каримов, «Москва» колхозидан Р. Ҳамиджонов, П. Нурматов, «Қорасув» совхозидан А. Шерматов, «Назарбек» совхозидан Ким Сергей, «Бўзсув» совхозидан К. Ашрапов, С. Муталиев, «Партия XXI съезди» совхозидан М. Қурбонов, Гагарин номли совхоздан Ш. Шокамолов, «Хасково» совхозидан О. Каримов ва бошқалар соҳибкор номини улуғлаб келаётган мўътабар кишиларимиз ҳисобланади. Фақат ўтган йилнинг ўзида социалистик мусобақа ғолибларидан тўрт киши Ленин ордени, 23 киши Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан тақдирландилар. Улуғ Ватан уруши ветерани, ажойиб ва моҳир сабзавоткор А. Шерматов номига Л. И. Брежневдан мактуб олинганлиги районимиз тарихида катта воқеа бўлди.

«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», деб бежиз айтилмаган. Шу кунларда қайси колхоз-совхозларга борманг, чароғон ҳовлиларни, кенг ва равон асфальт йўлларни, янги мактаблар ва маданий-маиший муассасалар биноларини кўриб кўзингиз қувнайди. Революциядан олдин маълумотли кишилар бармоқ билан санарли бўлган районимизда ҳозир 43 та мактаб ишлаб турипти. Уларда билим олаётган 22 минг 600 ўқувчига 1520 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бераяпти. Илмий-текшириш институтларимизда 51 нафар фан кандидати ва кўплаб олимлар катта тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Маданий-оқартув муассасалари тармоғи тобора кенгайиб бормоқда. 231 минг 668 китоб фондига эга бўлган 46 кутубхона, маданият саройи, 34 та клуб ва маданият уйлари, 20 та кино қурилма меҳнаткашлар хизматида.

Район аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилиш яхши йўлга қўйилган. Мавжуд 7 та касалхона, 10 та дорихонада олий ва ўрта махсус маълумотли 540 медицина ходимлари ишлаб турибди. 1976 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш ишларига 1 миллион 250 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Олтмиш йил ичида район меҳнаткашлари ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришлар, эришилган муваффақиятларнинг ҳаммаси жонажон Коммунистик партия, доҳий В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтган давр ичида район партия ташкилоти сон ва сифат жиҳатдан ўсди ва мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда 129 бошланғич, 101 цех партия ташкилоти ҳамда 121 партия группасига 3650 коммунист бирлашган.


Партия ташкилотлари меҳнаткашлар куч-ғайратини партиямиз XXV съезди қарорларини бажаришга, социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишга, юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этишга, коммунистлар авангардлигини ўстиришга ҳаракат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети октябрь (1976 йил) Пленуми қарорларини бажара бориб, барча колхоз-совхозларимиз меҳнат аҳли ўнинчи беш йиллик халқ хўжалик планларини 4—4,5 йилда бажаришга бел боғладилар. «Бўзсув» совхози деҳқонлари эса беш йилликда икки беш йилликни бажаришга сўз бердилар.

Район меҳнаткашларининг бу йилги марралари юксак. Давлатга 90 минг тонна сабзавот топшириш учун кураш бораяпти. Бундан ташқари, шаҳар меҳнаткашларига 12 минг тонна картошка, 9500 тонна мева, 4600 тонна узум, 10 минг 200 тонна сут, 4100 тонна гўшт, 60 миллион дона тухум етказиб бериш учун социалистик мусобақа қизитиб юборилган. 1 августгача топширилган сабзавот 45 минг тоннани, картошка 7720 тоннани ташкил этди. Шу давр ичида давлатга 2409 тонна гўшт, 4653 тонна сут, 30 миллион дона тухум етказиб берилди.

Шу кунларда КПСС Марказий Комитетининг май (1977 йил) Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг СССР янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида қилган докладидан илҳомланган районимиз меҳнаткашлари бутун куч-ғайратларини ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейини ёруғ юз билан кутиб олишга қаратганлар. Бу соҳада дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Дағал хашак тайёрлаш йиллик плани оширнб бажарилди. Сабзавот, мева тайёрлаш жадал суръатлар билан давом этмоқда.













СУРАТЛАРДА: (юқоридан пастга, биринчи қаторда) «Партия XXI съезди» совхозининг директори Тожихон Мелибоева, «Партия XX съезди» колхозининг маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи Ҳамидулла Мирдадаев, Оржоникидзе номли колхознинг маккажўхоричилик звеноси бошлиғи Рихсигул Жуманалиева (иккинчи қаторда), «Москва» колхозининг раиси Қобил Абдуллаев, Назарбек қишлоқ Советининг раиси Раҳима Жабборова, «Москва» совхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Мурод Камолов ўртоқлар.

БУЮК БАХТ

ЛЕНИН, партия, Октябрь революцияси... Бу сўзлар барча софдил меҳнаткаш кишилар учун азиз, мўътабардир. Бизга бахт ва истиқбол йўлини очиб берган партияга ташаккур!

Кўпчилик қатори мен ҳам ўз меҳнатим эвазига иззат-ҳурмат топган кишилардан бкриман. «Дарахт бир ерда кўкаради» деганларидек район-ондаги «Қорасув» совхозида ишлаётганимга ҳам анча йил бўлди.

Ер фарзанди бўлганим учун мен фронтдан қайтибоқ ҳарбий шинелимни ечиб тўғри далага чиқдим. Келажакни, эртаги порлоқ кунимизни ўйлаб фидокорона меҳнат қилдим. Партия ва давлатимизнинг деҳқонларга оталарча ёрдами туфайли ишларимиз юришиб кетди. Ўша оғир йиллардаги дастлабки ҳосил хирмонини кўриб қандай хурсанд бўлганимизни тасаввур қилиш қийин.

Қийинчиликлар ортда қолди. Фан-техника ютуқлари, юксак агротехника билимлари билан қуролланган деҳқонларимиз эндиликда ўз меҳнатларидан шон-шуҳрат топиб, фаровон турмуш кечирмоқдалар. Камтарона меҳнатларим эвазига Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, «Ҳурмат белгиси» орденлари билан тақдирландим.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг мактубн бригадамизнинг ҳар бир аъзоси қалбини қувончга тўлдирди. Мактубнинг ҳар бир сатри партия ва ҳукуматимизнинг

Бригадамиз миришкорлари кейинги беш йилликлар ичида аҳолини арзон, сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда баракали ишладилар. Айниқса, сифат ва самарадорлик беш йиллигининг биринчи йилида деҳқончиликда катта ютуқларга эришдик. Бригада бўйича ҳар гектар ердан 29 тоннадан сабзавот, 16 тоннадан картошка йиғиштириб олдик. Эрта-пишар, арзон маҳсулот етиштирганимиз учун 51 минг сўм соф фойда олдик.

центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. Бу, йил бошидаги мажбуриятимиздан 200 центнер кўп демакдир.

Бригадамизнинг меҳнат аҳли сабзавот ҳосилдорлигини ошириб, гектаридан 350 центнердан маҳсулот олишга аҳд қилдилар. Карамдан гектарига 400 центнер, пиёздан 200 центнер, бригада бўйича жами 60 тонна сабзи, 100 тонна резавор, 150 тонна ош лавлаги тайёрлашга сўз бердилар. Бригадамиз аъзолари шу кунларда далаларда пишиб етилган мўл ҳосилни йиғиб-териш билан бирга кечки экинлар парваришини қизитиб юбордилар. Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олган юксак мажбуриятларини бажариш учун мусобақани авж олдириб, давлатга жами 1585 тонна деҳқончилик маҳсулотлари етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Абдураҳим ШЕРМАТОВ,
«Қорасув» совхозининг бригада бошлиғи.

ИХТИСОСЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

СОВХОЗИМИЗ 1957 йилда кам даромадли 6 та колхоз базасида ташкил этилди. Кейинчалик «Москва», «Назарбек» совхозлари мустақил бўлиб ажралиб чиқди. Экин майдонлари ана шу хўжаликлар ҳисобига камайсада ҳосилдорлик ортиб бормоқда. Масалан, хўжалигимиз «Назарбек» совхози билан бир бўлган йилларда жами 6 минг тонна сабзавот етиштирилар эди. Бу йил эса камида давлатга 8 минг 500 тонна сабзавот етказиб беришни кўзлаяпмиз.

Ўтган йили 1,5 миллион сўм даромад олинди. Бу кўзланганидан 120 минг сўм кўпдир.

Бу ўзгаришларнинг асосий сири нимада? Аввало, совхозимизда кадрлар билан ишлаш яхшиланди. Эқилаётган кўчат ва уруғлар сифатига катта эътибор берилмоқда.

Деҳқончиликни ихтисослаштириш катта роль ўйнамоқда. Етакчи экин турлари яхлит катта-катта карталарга эқилмоқда.

Социалистик мусобақа — қудратли кучдир. Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти, ишчилар комитети билан ҳамкорликда социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини ўрганиб, илғорлар ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи, юбилей йилида совхозимиз меҳнаткашлари олдида улкан вазифалар турибди. Бу йил давлатга 8 минг тоннадан зиёд сабзавот, 1800 тоннага яқин картошка, 527 тонна мева-узум етказиб берамиз. Чорва молларн парваришини кучайтира бориб, 710 тонна сут, 41 тонна гўшт тайёрланади.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ана шундай улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларимиз ҳамда чорвадорларимиз дастлабки ғовончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ҳозир биз чорвачилик маҳсулотлари етиштириб давлатга сотишда пешқадамлар қаторида бормоқдамиз. Картошкакорларимиз эса бу йил ҳам юқори ҳосил етиштириб, барвақт йиллик халқ хўжалик плани ҳамда мажбуриятларини биринчилар қаторида бажардилар. Шаҳарлик истеъмолчиларга 1580 ўрнига 1655 тонна картошка жўнатилди. Сабзавоткорларимиз кўзланган марра сари дадил боришмоқда.

Совхозимизда зарбдор тармоқ чорвачиликка эътибор кучайтирилган ҳозирги кунда дағал-хашак жамғариш, силос бостириш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Тошпиримдаги 60 тонналик беда уни тахт қилиб қўйилди.

Т. БЕГМАТОВ,
«Хасково» совхозининг директори. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

МЕҲНАТКАШ халқ революциягача оғир ҳаёт кечирарди. Неча-неча кишилар турли юқумли касалликлардан нобуд бўлишарди. Шу воқеалар таъсиридаиму, отам ўз фарзандларини ўқитмишли қилишга қарор қилган эди. У кўпроқ бизнинг врач бўлишимизни орзу қиларди. Отам ўгитлари ерда қолмади. Ўйлаб қарасам, бу касб ўзимга ҳам маъқул тушди. Дастлаб медицина техникумини, сўнгра Тошкент медицина институтини битириб, 1941 йилда Бухоро область Қизилтепа районига ишга бордим. 1943 йилнинг охирида эса Калинин районида болалар ва хотин-қизлар консультациясининг врачи бўлиб ишлай бошладим. Шундан сўнг, бир неча йил давомида Ленин номли шифохонада бош врач, марказий район касалхонасида бош врач ўринбосари вазифаларида меҳнат қилдим.

Яқинда СССР Конституцияси лойиҳасининг эълон қилиниши қувончимга-қувонч қўшди. Унинг 42-моддасида шундай сатрлар бор: «СССР граждапларн соғлиқларини сақлаш ҳуқуқига эгадирлар». Шу сўзларни ўқир эканман, хаёлим беихтиёр отам ҳикоя қилган даврга кетади. Бугунги кунда ҳаммамиз тақдиримиздан хурсандмиз. Оиламизни шифокорлар оиласи деб аташлари ҳам бежиз эмас. Сингилларим Ақида ва Осиё, ўғлим Тоҳиржон ҳам мени касбимни танлашган. Шуниси диққатга сазоворки, сингилларим бир кунда диссертация ёқлашиб, медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олишга муваффақ бўлдилар.

Дастлабки Конституцияни қабул қилинган даврдан бери қирқ йилга яқин вақт ўтди. Маълумки, ўтган давр мобайнида медицина соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Буни биргина районимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Революциядан илгари бирорта ҳам даволаш муассасаси ва малакали медицина ходими бўлмаган районимизда бугунги кунда юздан ортиқ врач, 500 га яқин медицина ходими меҳнаткашлар саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Барча шифохоналар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Миллионлаб совет кишилари қатори мен ҳам Октябрь туфайли камол топдим. Эл-юрт таҳсинига сазовор бўлдим. Меҳнатларим доимо қадрланиб келди. Бугунги кунда мен меҳнатимга яраша тақдирланганман. «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони, бир қанча медаллар билан мукофотланганман. 1974 йилда мени катта иззат-ҳурмат билан пенсияга кузатишди. Лекин, ўзимни ҳали ҳам тетик, бардам сезяпман. Бу ҳам бўлса бизнинг мамлакатимиз кишиларининг яхши ҳаёт кечираётганликларидан далолат беради. Ишончим комилки, ҳали эл сиҳат-саломатлиги йўлида баракалироқ меҳнат қиламан.

М. УСМОНОВА,
марказий район шифохонасининг методист врачи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган медицина ходими



Райондаги «Партия XX съезди» колхози шаҳарликларни сабзавот билан таъминлашда муносиб ҳисса қўшаётган хўжаликлардан бири ҳисобланади. Суратда: колхознинг илғор сабзавотчилик бригадаси бошлиғи З. Юсупов ва колхоз аъзоси Х. Абдураҳмоновалар терилган помидорларни кўздан кечирмоқдалар.

ҲАЙИТБОЙ ОҚСОҚОЛ

ЧИҒАТОЙ Оқтепасидаги кўчалардан бирида салобати, кўркамлиги билан кишининг диққат-эътиборини тортадиган бир уй бор. Бу уйнинг эшиги ҳамма вақт очиқ. Ўтган-кетганлар бу уйга фахр ва ифтихор билан назар ташлайдилар. Бу уйда бир вақтлар ҳозирги Калинин номи билан аталадиган колхозни ташкил этишда қатнашган, кейинчалик эса колхозга бир неча йиллар давомида раислик қилган колхоз ишлаб чиқариши ветерани Ҳайитбой Тошмуҳамедов яшаган.

Биз ана шу муқаддас уйга ташриф буюрамиз. Бизни отанинг кенжа ўғли Мажид Ҳайитбоев кутиб олди. Ичкарига кирамиз. Хона деворларига отанинг ҳаёти ва фаолиятига оид бўлган расмлар осилган. Тўрда эса Иттифоқимиз оқсоқоли Михаил Иванович Калинин билан Ҳайитбой ота Катта Кремль саройида бирга тушган расм зарҳал рамка ичида турипти.

— Бу расмга,— дейди Мажид ака,— отам 1925 йилда Советларнинг Бутуниттифоқ учинчи съездига делегат бўлиб борганларида тушганлар. Съездда уларни СССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо қилиб ҳам сайлашган.

Мажид аканинг ҳикоясини тинглаб, расмлар, ҳужжатлар билан танишар эканмиз, ўтмишнинг жабр-жафосини тортиб, янги тузум, янги ҳаёт учун жон фидо қилиб курашган инсоннинг ҳаёт йўли кўз ўнгимиздан бирма-бир ўтади.

1919 йил. Кеч куз. Ҳайитбой ўшанда йигирма беш яшар навқирон йигит эди. Таниш-билишларнинг маслаҳати билан ўзи туғилиб ўсган Белтепа қишлоғидан шаҳарга йўл олди. Пахта тозалаш заводига оддий ишчи бўлиб кирди. Меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги билан тез орада обрў қозонди. Уни юк ташувчилар бригадасининг бошлиғи қилиб кўтардилар. Рус ишчилари билан ўртоқлашди. Улар билан суҳбатларда революциянинг аҳамияти, келажак ҳақидаги тасаввурлари бойиди.

1919 йилнинг қиш пайти эди. Осипов бошчилигидаги контрреволюцион кучлар бош кўтарди. Ишчилар билан исёнчилар ўртасида қуролли тўқнашув бўлди. Бу воқеа ҳозирги Биродарлар мозорига яқин ерда содир бўлган эди. Ишчиларга темирйўлчи қизил гвардиячилар ҳам жанговар ёрдам бердилар. Хоинлар фитнаси барбод бўлди. Бу тўқнашувда Ҳайитбой ҳам қўлига қурол олиб, ҳақиқат учун курашди. Дунёқараши, сиёсий онги чархланди.

Революция шамоли қишлоқларда ҳам эса бошлади. Баҳор кунларининг бирида Ҳайитбой ўз қишлоғига келди. Ҳамма ерда дув-дув гап эди. Бойларнинг куни битиб, уларнинг ери тортиб олиниб, камбағалларга бўлиб берилар экан.

— Укам Ҳайитбой, шу гаплар ростми,— деб сўрашар эди кексалар,— ишонсак бўладими...

—Рост,— дерди у,— ишонаверинглар, бўш келманглар, дадил бўлинглар, бир ёқадан бош чиқариб курашсак албатта, ғалаба қиламиз, ерли, сувли бўламиз.

Шу орада қишлоққа шаҳардан махсус комиссия келди. Камбағал деҳқонлар таклифи билан Ҳайитбой ана шу комиссияга аъзо қилиб олинди.

Ер ислоҳотини амалга оширишда қишлоқнинг биринчи коммунистлари: комиссия аъзолари Одил Каримов, Ҳикмат Шобобоев, Аҳмад Каримовларга акаука Рустам ва Ҳайитбой Тошмуҳамедовлар жуда актив ёрдам бердилар. Улар кимнинг қанча ери, қанча мол-мулки борлигини, қаерга яширнб қўйилганлигини яхши билар эдилар.

Камбағалларга ер бўлиб берилгач, уларга сувни ҳам бир текисда тақсимлаб бериш зарур эди. Бу ишда ҳам Ҳайитбой актив қатнашди. У 1927 йилдан 1930 йилгача Кайковуз (Калковуз) ва Назарбек ариқлари бўйича бош мироб бўлиб ишлади. Ўша вақтдан буён халқ уни Ҳайитбой оқсоқол номи билан атай бошлади.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

ХЎЖАЛИГИМИЗ йил сайин ривожланиб бормоқда. Деҳқончиликдан келаётган даромад эвазига меҳнаткаш халқ тўқ, фаровон яшамоқда. Шаҳар типидаги қишлоқларимиз жамолини кўриб кўплингиз яйрайди, дилингиз қувонади. Замонавий типдаги янги қурилаётган турар-жой бинолари, бир-биридан гўзал ва шинам.

Колхозимизда сабзавот маҳсулотлари етиштириш давлат планлари ҳар йили ошириб бажарилмоқда. Ўтган йили ҳам барча соҳалар бўйича халқ хўжалик планларини муваффақиятли якунладик.

Деҳқонларимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорига жавобан бу йил ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Юбилей йилида давлатга 239 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 250 центнердан, жами 6 минг тонна сабзавот, 443 тонна мева-узум, ҳар бош сигирдан пландаги 2650 ўрнига 3200 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга сўз берган эди. Чорвадорларимиз эса ҳар гектар бедазорлардан 200 центнер пичан, 1000 тонна сенаж, 200 тонна дағал-хашак, озуқабоп маккажўхорининг гектаридан 800 центнер кўк поя, 2000 тонна силос бостиришга аҳд қилдилар. Гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг тирик вазнини 460 килограммга етказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сабзавоткор деҳқонларимиз кўкламда 70 гектар ерга эртаги карам, 40 гектар майдонга редиска, 27 гектар майдонга ош лавлаги, 26 гектар ерга бодринг, помидор кўчатлари экдилар.

Далачилик бригадалари экинларни парвариш қилишда юксак агротехника усулларидан кенг фойдаландилар. Механизацияни дадил жорий этганимиз катта самаралар берди. Кўчатлар парваришини намунали олиб борганимиз туфайли, далаларда мўл ҳосил тўплашга эришдик.

Миришкорларимиз КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми материалларини, СССР янги Конституциясининг лойиҳасини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Айни кунларда хўжаликнинг 7 та сабзавотчилик, 2 та боғдорчилик, чорвачилик фермасида социалистик мусобақа авж олдириб юборилди.

Хўжалигимизда сабзавот ҳосили етиштириш бўйича қўлга киритилган дастлабки ғалабалар кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Биринчи бўлиб А. Нуржонов бригадаси йиллик планни бажарди. 10 июль куни колхознинг Х. Давлатов бошлиқ 4-бригада аъзолари аҳолига 983 ўрнига 990 тонна сабзавот маҳсулоти етказиб бериб, йиллик планларини ошириб адо этдилар.

Илғор бригада деҳқонлари планга қўшимча яна 700 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш мажбуриятини қабул қилдилар. Ҳозирда бригада далаларидаги 10 гектар майдонга экилган карам, етти гектар ерга сепилган сабзи, икки гектар бодринг яхши парвариш қилинмоқда. Кўни неча Ю. Рўзиев бошлиқ бригада йиллик планни бажарди.

Деҳқонларимиз сабзавот ҳосили топширишда райондаги етакчи ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Колхозчиларимиз ўтган июнь ойи якунларига кўра район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлдилар.

Мукофотдан руҳланган деҳқонларимиз 340 ўрнига 347,2 тонна бодринг тайёрлаб, йиллик топшириқни ўринлатдилар.

Хўжалигимиз миришкорлари сабзавот сотиш йиллик планини биринчилар қаторида бажардилар. Сут тайёрлаш етти ойлик планлари ҳам ошириб бажарилди. Хўл мева тайёрлаш плани эса 170 процентдан ошиб кетди.

Бу йил ҳар бир деҳқон учун катта синов йили. Турли миллат вакилларидан ташкил топган колхозимиз аъзолари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этиб, Октябрь байрамини ёруғ юз билан кутиб оладилар.

С. ҒИЁСОВ,
Оржоникидзе номли колхоз раиси.

Суратда: Крупская номли 12-ўрта мактабнинг ветеран ўқитувчиси Зоҳира Минаварова шогирдлар даврасида. У ҳамон ёш авлодни тарбиялашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.



МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

ФАРОВОН ҲАЁТ ГАШТИ

УЛУҒ Октябрь социалистик революцияси кўплар қатори биз ўзбек аёлларига ҳам битмас-туганмас бахт-иқбол ҳадя қилди, ҳур, озод замонда яшаб, ўз тақдиримизни ўзимиз яратмоқдамиз. Совет мактабида бошланғич таълим-тарбия олдим. 1934 йилда хотин-қизлар техникумига кириб, уни муваффақиятли битирдим. Шундан кейин қишлоқда меҳнат қила бошладим. Айни бир пайтда хотин-қизларни паранжидан озод қилишда, саводсизликка қарши курашда актив қатнашдим.

1939 йилга келиб қишлоғимиз меҳнаткашлари менга катта ишонч билдиришиб, маҳаллий Советга депутат этиб сайлашди. Кўп ўтмай Охунбобоев номли қишлоқ Советида секретарь бўлиб ишлай бошладим. 1943 йилда эса шу қишлоқ Советига раис этиб сайландим. 1950 йилга келиб мени йирик «Большевик» колхозига раҳбар этиб тайинлашди. Орадан етти йил ўтгач қишлоқ Советига қарашли колхозлар тугатилиб, ўрнида совхозлар ташкил этилди. Яна қишлоқ Советининг раиси бўлиб ишлай бошладим. 1972 йилда пенсияга чиқдим.

Партия ва ҳукуматимиз дастлабки беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши йиллари ҳамда урушдан кейинги йилларда меҳнатимиз юқори баҳолаб, Фахрий ёрлиқлар ва медаллар билан тақдирлади. Икки марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи, икки марта «Шавкатли меҳнати учун» медали, Ленин туғилган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан юбилей медали, ҳамда «Меҳнат ветерани» каби медалларга эга бўлдим.

Оилада беш фарзандимиз онасиман. Ўғил-қизларимнинг барчаси олий маълумотли. Катта ўғлим Абдуқодир агроном, ундан кейинги қизим Маъмура ўқитувчи, Абдурасул эса врач бўлиб ишлайди. Кенжатойларим ҳам олий маълумотли.

Хожия ЮСУПОВА,
пенсионер.

МАДАНИЯТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ турмуш маданиятини юксалишида клуб ва кутубхоналарнинг тутган ўрни салмоқлидир. Ҳозирги кунда районда 30 дан ортиқ клуб бўлиб, улардаги маданият ходимлари меҳнаткашлар ўртасида маданий-оқартув ишларини намунали олиб боришмоқда. Айниқса, ёшларга паспорт топшириш, Совет Армияси сафига кузатиш, турли мавзуларда учрашув ва суҳбатларнинг ўтиши янгича анъаналарнинг ҳаётимиздан муносиб ўрин олаётганлигидан далолат бермоқда. Ваҳоланки, бундай кўринишлар инқилобдан олдин меҳнаткаш халқнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди.

Янги урф-одатлар ва мароснмлар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олаётганлиги қувончли ҳолдир. Бу соҳада Ленин, Назарбек, Фрунзе, Хонобод қишлоқ Советларининг амалга ошираётган ишлари намунали бўлмоқда.

Кейинги йилларда кутубхоналарга бўлган эътибор янада кучайтирилди. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва фан-техникани тараққий эттиришда кутубхоналарнинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори маданият ходимлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ҳозирги кунда районда 40 дан ортиқ кутубхона 30 минг меҳнаткашга намунали хизмат кўрсатмоқда. Айни пайтда дала шийпонларида ташкил этилган кўчма кутубхоналар хизмати, хонадонларга китоб элтиб бериш ишлари ҳам кўнгилдагидек бораяпти.

Улуғ Октябрнинг шонли тўйига бағишланган китобхонлар конференцияларининг ўтказилиши меҳнат ветеранлари ва бошқа соҳа кишилари билан учрашувлар, шунингдек СССР янги Конституциясининг лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишлар ҳаётда ўз аксини топмоқда.

Т. ЮНУСОВ,
Калинин район маданият бўлимининг мудири.

КЕЧАГИ РЕКОРД, БУГУНГИ НОРМА


ШАҲАР ва қишлоқларимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Қад кўтараётган кўркам бинолар районимиз ҳуснига-ҳуси бахш этмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг бизга қилаётган ғамхўрлигига жавобан коллективимиз шу йилнинг ўтган ойлари ичида қувончли ютуқларни қўлга киритди. Йиллик планимизни Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейигача уддалашга аҳд қилганмиз. Ўз аҳдига содиқ бунёдкорларимиз биноларни тез ва соз ҳамда сифатли қуришда Николай Злобин методи асосида иш олиб бормоқдалар. Айниқса, йил бошида зиммамизга олган мажбуриятларимизни муддатидан бир ой олдин бажариб, билдирилган ишончни оқлаб, социалистик мусобақа ғолиби деган номни олишга сазовор бўлган эдик. Биз ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари ўн беш йлғор ишчисининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин адо этиш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, беш йиллик топшириқларни тўрт йилда уддалашга аҳд қилдик.

Айни кунларда «Назарбек» совхозида сабзавот сараланш пункти ва турар-жой бинолари қуриш ишлари жадаллик билан олиб борилаяпти.

Улуғ айём нишонланадиган кун тобора яқинлашмоқда. Биз янада ғайрат кўрсатиб ишлаймиз. «60 йилликка — 60 зарбдор ҳафта», «Кечаги рекорд — бугунги норма» шиорлари остида меҳнат қилиб, юбилейни муносиб совғалар билан кутиб оламиз.

О. ХОЛХЎЖАЕВ,
«Узплодоовощчипром» трести 1-кўчма механизациялашган колоннаси хўжалик ҳисобида ишловчи бригадасининг бошлиғи.



Районда кейинги вақтларда қурилиш ишлари кенг миқёсларда олиб борилмоқда. Айниқса, бунда маъмурий, уй-жой биноларини кўркам бўлишига жиддий эътибор берилмоқда. Суратда: (чапдан) турар-жой бинолари нинг кўриниши, (ўнгда) маъмурий бино. Н. Муҳаммаджонов фотолари.

Мажид ака отанинг ҳаёти, ижтимоий фаолиятидан ҳикоя қилувчи ҳужжатлар сақланаётган папкани қўлимизга тутқазди. Уларни авайлаб кўздан кечирар эканмиз, камбағал батрак ўғлининг колхоз ишлаб чиқаришининг етук ташкилотчилигигача босиб ўтган йўли кўз ўнгимизда намоён бўлди.

У 1924 йилда Сирдарё областидан Бутунтуркистон XII съездига, яна ўша йилнинг ўзида эса РКП(б) Бутунроссия XIII съездига делегат қилиб сайланди.

Ўзбек деҳқонларининг вакили Ҳайитбой съездда партия контроли комиссиясига аъзо қилиб ҳам сайланди. У 1924—1927 йилларда Тошкент эски шаҳар советининг, 1924—1925 йилларда эса Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ва Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг аъзоси бўлди.

Михаил Иванович Калинин билан тез-тез бўлиб турган учрашувлар Ҳайитбойнинг дунёқарашини шаклланишида катта роль ўйнади.

— Москвага борганимизда,— деб ҳикоя қилар эди отам,— дейди Мажид ака,— бизга Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ҳам ҳамроҳ бўлар эдилар.

Биз, албатта Калинин билан учрашар эдик. У бизга янги йўллар очинглар, мактаблар қурингларр, каналлар қазинглар, қишлоқда тўкинчилик бўлса, деҳқон бадавлат ва маърифатли турмуш кечирса социализм қуриш шунчалик тезлашади, деб маслаҳат берар эдилар.

— Камбағалларнинг йиғинларида,— деб эслашади кексалар,— албатта Ҳайитбой сўзга чиқмасдан қолмасди. У содда, ҳамма учун тушунарли, лўнда гаплар билан кўпчиликни ўзига қаратиб оларди. Колхоз тузумининг истиқболини аниқ, равшан тушунтирарди. Шу билан бирга у қулоқлар, бойларнинг кирдикорларини аёвсиз фош қиларди.

У район партия комитетидан мадад олиб колхоз тузиш учун астойдил курашди. Бу соҳада қишлоқ партия ячейкаси коммунистлари Ҳикмат Шобобоев, Аҳмад Мирсаидов, Ҳўжамберди Эшмуҳамедов, Мирзааҳмад Холиқов, Тиловбердиохун Меҳмонов, Ҳожар Мирсолиҳова каби коммунистлар унга актив ёрдам бердилар.

Кўп ўтмай коммунистлар олиб борган оммавий-сиёсий тарғибот ишлари ўз самарасини бера бошлади. Оқтепа, Белтепа, Жарариқ, Ингичнақўриқ қишлоқларида «Ўзбекистон» «Ижтимонят» ва «Меҳнат» колхозлари тузилди.

«Ўзбекистон» колхозига Ҳайитбой Тошмуҳамедов раис қилиб сайланди. Бу 1930 йилларга тўғри келади.

— Эсимда,— дейди ҳозир Оқтепа қишлоғида истиқомат қилаётган шахсий пенсионер Ашир ота,— Ҳайитбой эрта тонгдан туриб, далама-дала кезар, баъзан ўзи колхозчилар билан биргалашиб кетмон чопар, ўғит ташир эди. Сўнг туш пайтларида халқаро ҳаётда, коллективлаштириш ишларида қандай янгиликлар бўлаётганлиги, партия ва ҳукуматимизнинг колхоз тузумини ривожлантириш соҳасидаги қарорларини гапириб берарди. Қайси ишни қандай қилсак маъқул бўлади, деб деҳқонларга маслаҳат соларди. Колхоз ташкил этилган йилнинг охирига келиб аъзоларнинг сони 175 кишига етди. Колхознинг ери эса бор-йўғи 41 гектар эди. Шундан 30 гектарига экин экилди. Хўжаликда 8 та ҳўкиз ва 8 та от-арава бор эди.

Ҳайитбой оқсоқол бошлиқ деҳқонлар ана шу тарзда аста-секин коллективлаштириш сари дадил одим ташладилар. Лекин хўжалик активлари орасида ёт унсурлар ҳам йўқ эмасди. Улар турли миш-мишлар тарқатиб, раисни обрўсизлантириш, кўпчилик ўртасида бадном қилиш учун ҳаракат қилар эдилар. Халқ орасида «Ҳайитбойнинг тили бошқаю—дили бошқа, у Шўролар ҳукуматига, батракларга эмас, бойларга ён босяпти» деган гап тарқалди. Аслида эса воқеа мана буидай бўлган эди: қишлоқ бойларидан Раҳматилла, Неъматилла бойлар ўз хатоларига сидқидилдан иқрор бўлдилар. Ҳайитбой оқсоқол ҳузурига келиб, ҳамма мол-мулк, отуловни колхозга ўз ихтиёрлари билан топширишга аҳд қилганликларини айтдилар. Лекин бир шартимиз бор деб айтишди улар. Колхозга кириб ишлашимизга, фарзандларимизни ҳам хўжаликка аъзо қилиб олишга каршилик қилмайсизлар. Ҳар хил гап-сўзлардан, ғиволардан ҳоли равишда эркин меҳнат қилишга шароит яратиб берасизлар.

Ҳайитбой оқсоқол активлар билан маслаҳатлашиб уларнинг талабларини бажо келтирди. Бу ёт унсурларга қўл келди. Улар юқори ташкилотларга шикоят хати ёздилар. «Ҳайитбой қулоқларнинг ёнини оляпти», деб айюҳаннос солдилар. Ўша пайтда бу шикоят чуқур текшириб кўрилмади. Ҳайитбой оқсоқол раисликдан четлаштирилди. У оддий колхозчи бўлиб ишлай бошлади.

Бу орада ғиғогарларнинг найранги фош этилди, колхоздан ҳайдалдилар. Ана шундан сўнг деҳқонларнинг талаби билан яна Ҳайитбой Тошмуҳамедов колхозга раис қилиб сайланди.

Ҳайитбой Тошмуҳамедов 1934 йилнинг охирларигача «Ўзбекистон» колхозига раислик қилди. Кейинчалик эса Ленин номли (ҳозирги Калинин) колхозига раҳбарлик қила бошлади. Айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида унинг хизмати катта бўлди.

Ҳайитбойдаги революцион кайфият ва жанговарлик, ташкилотчилик унинг акаукаларига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Рустам Тошмуҳамедов ҳам анаси изидан бориб коллективлаштириш ишида актив қатнашди.

Ҳайитбой Тошмуҳамедов колхозга ўн тўрт йил раислик қилди. Бу йиллар орасида хўжалик доимо планни ошириб бажариб келди. Областдаги энг илғор хўжаликлар қаторидан ўрин олди. Ҳар йили ўрта ҳисобда бир миллион сўмга яқин даромад қилинди.

...Ҳозир Ленин қишлоқ Советига қарашли Калинин номли колхоз далаларини, қишлоқ марказини айланасингиз кўзингиз қувнаб, дилингиз яйрайди. Янги-янги замонавий типдаги турар-жой бинолари қад кўтариб турибди. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектларнинг сони йил сайин кўпайиб бораётир. Колхоз бўлдик, бахт топдик, дейишади деҳқонлар. Ана шу бахтни бунёд этишда колхоз ишлаб чиқаришининг ветерани, чин коммунист, ажойиб ташкилотчи Ҳайитбой Тошмуҳамедовнинг ҳам қалб кўри, юрак ҳарорати уфуриб турипти. Буни ҳамма ҳис қилади, сезади. Қишлоқдаги катта-ю кичик Ҳайитбой отанинг номини ҳурмат билан тилга олади.

Н. РИХСИЕВ.
А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ЙИЛЛАРИ

ИСЛОМОБОД, 15 август. (ТАСС). Кеча Покистон мустақил деб эълон қилинган кунининг 30 йиллигини нишонлади. Ўтган йиллар шу мамлакат учун оғир синовлар йили бўлди. Покистон миллий ривожланиш йўлига киргунга қадар экономикаси колоқ, қишлоқларда қадимий феодал муносабатлар, диний хурофотлар ҳукм сурган, аҳолиси қашшоқ мамлакат эди. Ҳамма ишни амалда янгидан бошлаб юборишга керак эди. Шунинг учун ҳам Покистон халқининг ўтмиш мустамлакачиликдан мерос бўлиб қолган мураккаб вазифаларни бажаришда эришган муваффақиятлари айниқса катта. Мамлакатда социал-иқтисодий ислоҳотлар ўтказилди. Экономикада давлат сектори барпо этилди. Саноатнинг ўнлаб етакчи тармоқларидаги катта-катта корхоналар давлат ихтиёрига олинди. Банклар, страхование агентликлари давлат назорати остига ўтди. 130 минтга яқин деҳқон ўз ерига эга бўлди.

Барча программалар планда белгиланганидек амалга оширилди, деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Деҳқонлар ҳозирда мамлакатдаги энг майдонларининг фақат 6,5 процентига эга бўлдилар ва ер асосан помешчиклар қўлидадир. Экономика ҳамон ажнабийларнинг, биринчи навбатда Ғарбнинг катта ёрдамига муҳтождир. Давлатнинг чет мамлакатлардан қарзи 6,3 миллиард долларга етди, ташқи савдода дефицит узлуксиз ҳукм сурмоқда. Халқнинг умумий маданий савиясини юксалтириш учун кўп куч сарфланганига қарамай, аҳолининг 80 проценти ҳозир ҳам ўқиш ва ёзишни билмайди.

Покистон саноатининг бош корхонаси, ҳар йили 1,1 миллион тонна пўлат чиқара оладиган Карочи металлургия заводи Совет-Покистон ҳамкорлигининг ремзи деб ҳисобланади. Бу завод СССРнинг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан қурилмоқда. Покистонга совет геологлари катта ёрдам бермоқда. Уларнинг ёрдами билан нефть конлари очилди. Бу конлар энг кам деганда, Покистонни 10 йилгача ёнилғи билан таъминлай олади.

Покистон халқи ўз мустақиллигининг 30 йиллигини мураккаб вазиятда кутиб олмоқда. Навбатдаги вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатнинг келгусидаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун, унинг тинчлик, дўстлик ва гуллаб-яшнаш йўлидан олға бориши учун гаровдир.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ВАРШАВА. Польша пойтахтида Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг органи «Трибуна люду» газетасининг ҳар йили нишонланадиган байрами ўтказилмоқда. Коммунистик ва ишчи партиялар босма органларининг байрамга келган вакиллари ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПБИП Марказий Комитетининг секретари Е. Лукашевич билан учрашдилар. У қардош партия органларининг журналистларини Польша Бирлашган ишчи партияси VII съездининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги билан, Польшада социалистик қурилишнинг асосий проблемалари билан таништирди.

ТЕҲРОН. Эрон миллий нефть компаниясининг вакили тез орада Эрон билан ХХР ўртасида Хитойга Эрон нефтини етказиб бериш тўғрисидаги янги битим имзоланажагини хабар қилди. Етказиб бериладиган нефтнинг миқдори эълон қилинган эмас. Хитой 1974 йилдан буён Эрондан нефти сотиб олмоқда.

НАЙРОБИ. Франция ташқи ишлар министри Луи де Гиренго Кения пойтахтида ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, Франциянинг Жанубий Африка Республикасига қурол-яроғ етказиб бериш муддати тамом бўлди ва бу соҳада янгидан ҳеч қандай битим имзоланмайди, деб хабар қилди.

Л. де Гиренго ҳозирги вақтда шарқий Африка мамлакатлари бўйлаб сафар қилмоқда.

БРАЗЗАВИЛЬ. Киншасада Заир ташқи ишлар ва ҳалқаро ҳамкорлик давлат комиссари (министр) Нгуза Карл И Бонд далатга хиёнат қилишда айбланиб қамоққа олинди. Заир матбуот агентлигининг хабар беришича, у яқин орада суд қилинади.

Хабарларга кўра, Шаба вилоятида туғилиб ўсган Нгуза Карл И Бонднинг қамоққа олинишни шу йил мартмай ойларида Заирнинг шу вилоятида бўлган қўзғолон билан боғланган.

(ТАСС, 15 август).

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД

Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари ғарб давлатларининг ёрдами билан ядро қуролини вужудга келтириш соҳасида иш олиб бораётганлиги муносабати билан бутун жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги бесаранжом бўлиб, тоят ташвишланаётганлигини изҳор қилмоқда.

ЯУНДЕ. Яунде радиоси қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: претория режими Африканинг озодлиги, мустақиллиги ва осойишталигига тобора катта хавф туғдирмоқда, бу режим аслаҳаносини ядро қуроли билан тўлдириши мумкин.

Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари қўлида шу қуролнинг пайдо бўлиши, деб уқтириб ўтади ҳафталик «Сосьете де пресс э д'Эдисьон Дю Камерун» бюллетени, — Африка китъасининг жанубида кескинликни тоят кучайтириб юборишга олиб келган бўлур эди.

АККРА. Ганада чиқадиган «Дейли график» газетаси ёзади: Совет Иттифоқининг Жанубий Африка Республикаси ирқчиларининг бошлиқларини ва ғарбда Форстер режимига ядро тадқиқотлари соҳасида ҳар томонлама ёрдам бераётган кучларни огоҳлантириб айтган гаплари халқаро ҳамжамият ташкилотидан қатъий ҳаракат қилишни талаб этади.




Германия Демократик Республикаси корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. СУРАТДА: Лейпциг компрессорлар заводи СССР нефть-химия ва цемент саноати учун маҳсулот чиқармоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

ЯНГИ маршрутлар

Тошкентнинг шимолий чеккасини айланиб ўтадиган янги трамвай маршрутида дастлабки поездлар қатнай бошлади. Шаҳарда эндиликда умумий масофаси 450 километр келадиган 29 трамвай ва 18-троллейбус линиялари ишлаб турибди. Ўзбекистон пойтахтининг электр транспорти ўнинчи беш йилликда жадал ривож топмоқда. 12 километрли метрополитен трассасини ишга тушириш, қарийб 30 километр келадиган трамвай ва троллейбус линияларини чиқариш, ҳаракат составини тўлдириш мўлжалланади.



Н. Тўраев фотоэтюди.

Йўллар тоғлар бағрига чорлайди.

ОҚИБАТ

С. ПЕТРОВ

ЖИНОЯТЧИ... Жиноятчибу, қонунга ҳилоф иш қилган одам. Ўз қилмишидан кейин бирдан сочлари оқариб кетган бу ўттиз ёшли киши эса қонунни бузмаган...

...Беш яшар Мишанинг бугун қувончи чексиз. Тугилган кунига ойиси пийма сотиб олкелди. Уни кийиб олган Миша кун бўйи хонада қувониб уёқдан-буёққа бориб-келди. Кўчага чиқиш учун ойисидан руҳсат сўради, лекин ойиси чиқармади: «Миша, сен тумовсан, ташқарига чиқишинг мумкин эмас. Икки-уч кундан кейин соғайиб кетсанг, иннайкейин кўчада ўйнайверасан, энди оёғинг совқотмайди». Ойиси шундай деб кечки сменага ишга кетди.

Дадаси нима совға қиларкин-а?!

Кеч соат тўққиз. Ойиси ишда. Мишанинг уйқуси келди. У истамайгина оёқларидан пиймасини ечди, бир зум уёқ-буёғини силаб жилмайди, сўнг кроватининг бошига қўйди, ечинди, бир амаллаб включателга қўлини етказди, чироқни ўчириб ухлаб қолди.

...Чироқнинг ёркин нури Мишани уйғотиб юборди. Кўзларини очиб дадасини кўрди. У маст эди. У Мишанинг тепасига келиб, эгилди. Балки эркалагиси келгандир? Ароқнинг қўланса ҳидидан Миша девор томон сурилди.

— Ҳа, ёқмай қолдимми?.. Отанг маст... ўғлим,— муштумини Мишанинг бикинига тиради.

— Онанг қани? А... индамайсан... Сен ҳеч нарсани тушунмайсан... Яна озгина ичиш керак, билдингми... пул эса йўқ. Балки онангда бордир?

Федор лапанглаб, шкафга яқинлашди, шарақлатиб очди, титкилади, алам қилиб, галадонни жойига тарақлатиб суриб қўйди.

— Йўқ. Менинг эса ўлгидай ичгим келяпти...

Бир жойда депсиниб турди, гардеробга яқинлашди, тутқичини тортди. Гардероб қулфлоғлиқ эди. Хонага кўз югуртирди. Унинг нигоҳи бирдан Мишанинг яп-янги пиймасида тўхтади. Федор ўғлининг кровати ёнига келди, эгилиб пиймани олди, уни пиджагининг қўлтиғига яширди ва йўлакка чиқди. Миша ухламаётган эди. У, отаси пиймани қандай қилиб олганини кўрди ва дахшатли ўйдан ҳаяжонга тушди: «дадаси унинг пиймасини ўғирлади». У сапчиб ўрнидан турди, эшикка келди ва очди. Дадаси кўринмас, фақат зинапояда қадам товуши эшитилмоқда эди. Миша тараддудланиб қолди. Шошиб пальтосини, қулоқчинини, пайпоғини кийди ва оёқяланг кўчага югурди...

Кеча қоронғи, изғирин чарсиллайди. Совуқ бирпасда пайпоғидан ўтди, муз оёқларини жизиллата бошлади, бироқ Миша дадасини қувиб бориб, пиймасини олишга қарор қилди.

— Дада, дада... пиймамни беринг!

— Жўна, итвачча,—у қўлини силтаган эди Миша қор уюмига ағдарилиб тушди. Ўрнидан туриб яна отасига етиб олди, бироқ отаси уни яна итариб юборди. Яна йиқилди. Бир кўча тугаб иккинчиси бошланди. Онда-сонда йўловчилар учрар, улар боланинг нега оёқяланг чопиб кетаётганига ҳайрон қараб қолишар эди.

Ниҳоят унинг оёқлари ҳеч нарса сезмай тараша бўлиб қолди. Миша ҳолдан тойиб қорга ўтирди. Кейин уни милиционер топиб олиб, касалхонага олиб кетди.

...Федор-чи? У ярим кечада пиймани пуллаб, унинг пулига ароқ ичиш йўлини топди. Безорилик қилиб, хушёрхонага тушди. Эрталаб халқ судида 15 сутка олди...

Муддат тугагач, тунд, асабий, соқоли ўсган Федор уйига яқинлашди. Эшик берк. Калит доим турадиган жойида йўқ. Эшикни тортиб кўрди. Бироз ўйланиб турди, хотинининг қаердалигини сўрашга қарор қилиб, ботинмайгина қўшнисининг эшигини тақиллатди. Қўшни хотин уни кўриши билан бақира кетди:

— Сенмисан, пиёниста, намунча тақиллатасан? Бу кунингдан ўлганинг яхши. сени кўргунча кўзларим кўр бўлсин! Болани нима қилиб қўйдинг! Жўна, сен билан гаплашишга ҳазар қиламан, —аёл эшикни ёпди.

Федор бошини эгиб зинапоядан тушди. Қўққисдан тўхтади. У қўшнисининг сўзларини эслади: «Болани нима қилиб қўйдинг?»

Милицияда у онласини ўйламаган эди, ҳозир эса ўғлининг пиймасини қандай бормайсан. Биз пулни касаба союз комитетининг аъзоси Наташага берамиз, иккаланглар, бирга бориб харид қиласиз. Розимисан?

Федор касалхонага кўнгли алланечук чўкиб келди.

Медицина ҳамшираси индамай унга оқ халат тутқазди.

Федор сокин палатага оёқ учида кирди.

— Ўғлим, Миша!..

Бола рангсиз юзини отасига бурди:

— Дада!

— Аҳволларинг қалай, ўғлим?— У шундай деб, кейин палагда овоз билан қўшиб қўйди:

— Мени кечир, Миша. Мен сенга янги пийма олиб келдим.

Бола чиройли пиймага қараб мўлтиради. Сўнг чўкур кўрсинди, рангсиз ёноқларидан икки томчи ёш думалади.

— Дадажон, менга... пийма энди керакмас...

Федор ишонмади ва қайта сўради:.

— Нега керакмас?

— Менинг оёқларим йўқ..

Бу сўзлар Федорнинг бошига гурзидек тушди, у жон ҳолатда одеялни кўтариб ташлади. Мишанинг икки оёғи тиззасидан йўқ эди!..

Дахшатли, ёввойи ўкирик Федорнинг ичидан отилиб чиқди. У бошн билан ёстиққа қапишиб қолди ва ҳўнграб йиғлаб юборди. Беморлар Федорга жимгина қараб ётишарди. Миша отасининг бошини силади:

— Вой... Дада, сизнинг сочингиз оқариб кетди. Нега, а?..

Русчадан Ҳ. ОЛИМЖОНОВ таржимаси.

ҲИКОЯ

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАМИЗ

Матлубот жамиятимиз ҳодимлари зиммаларидаги план ва мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун астойдил курашаётирлар. Буининг учун ютуқлар гарови — социалистик мусобақани тобора авж олдирилмоқда.

Аҳоли эҳтиёжи катта бўлган товарлар билан савдо қилишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Шу сабабдан нафақат сон, балки сифат жиҳатдан ҳам катта ўзгаришлар содир бўляпти. Маданий-маиший товарлар тури кўпаймоқда.

Ўтган йилгига қараганда бу йил мебель, гилам ва чинни-фаянс идишлари кўпроқ сотилди. Озиқ-овқат моллари, айниқса балиқ, ўсимлик мойлари, маргарин маҳсулотлари сотиш кўпайди. Гўшт маҳсулотлари ўтган йилнинг биринчи ярмига қараганда 3—4 процент кўп реализация қилинди.

Коллективимиз эришган ютуқларнинг хиссаси катта бўлмоқда. А. Абдуллаев, Х. Эргашев ва Ж. Абдусаломов каби тажрибали савдо ходимлари ўз план топшириқларини муттасил ошириб бажариш билан бирга энди иш бошлаган кўплаб ёшларга мураббийлик ҳам қилишмоқда. 32 йилдан бери шу системада ишлаб, Меҳнат Қизил байроқ орденига сазовор бўлган М. Умарова, «Совет савдоси аълочиси» Ш. Отажонов сингари сотувчиларимиз билан ҳам ҳақли равишда фахрланамиз.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Савдо сотиқни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори коллективимизда ишлаб чиқилди. Яқинда район матлубот жамиятининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлган коллективимиз аъзолари шу муносабат билан «Харидорларга аъло даражада хизмат кўрсатамиз» шиори остида меҳнат қилмоқдалар.

М. ҚУЧҚОРОВА.
Тошкент районидаги Калинин матлубот жамияти раиси.

Реклама ва эълонлар

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ, МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТИ ЗАВОДИ ФИЛИАЛИ

46-ШАҲАР КЕЧКИ-СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—1978 ўқув йилига қуйидаги ихтисослар бўйича:

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электр кўприк кранларининг машинисти. Камида 17,5 ёшга, ча бўлган қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати 10 ой.

Газ электр пайвандчи. Камида 17,5 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 6 ой.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ўқувчилар ўқиш даврида 40 сўм ҳажмида стипендия, уч маҳал бепул овқат, завод ётоқхонасидан бепул жой билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ўқишни тугатганларидан кейин темир йўл транспортининг барча имтиёзларидан фойдаланадилар.

Мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри-5, Червяков кўчаси, 64-уй, кадрлар бўлими; Тошкент шаҳри-15, Кафанов кўчаси, 15-уй, қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР савдо министрлигининг ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ 1977—1978 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти баққоллик — кондитерлик, гастрономия, гўштбалиқ, сут маҳсулотлари, газламалар, тикув буюмлари, пойафзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларининг юқори малакали сотувчи-контролёр-кассирларини тайёрлайди.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 1 ва 2 йил.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) бўлган 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «сотувчи-консультант», «сотувчи-контролёр-кассир» деган малака унвони берилади.

Ўқувчиларга 32 сўмдан стипендия берилади, етим, ота-она қаровисиз қолган болаларга ва Улуғ Ватан урушининг I, II группа инвалидларининг болаларига 41 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Бош универсал магазин, ГУМ ва «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ўтказилади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 дона фотосурат, меҳнаткашлар депут атлари шаҳар совети ижроия комитети савдо бўлимининг йўлланмаси.

Билим юртининг адреси: Тошкент-86, «Оқтепа» массиви, «Самарқанддарвоза» кўчаси, 60-уй, (4, 9, 11, 15, 19, 21-трамвайлар, 12, 13, 29, 32, 34, 43, 48-автобусларнинг «Оқтепа» бекати). Телефон 78-35-39.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

штамповкачилар, қуювчилар, токарлар, асбобсоз-слесарь, ремонтчи-слесарь, йўнувчи, фрезерчилар, юк ташувчилар, зарядловчилар, ўювчилар, омбор мудирлари

КЕРАК

МЕТАЛЛНИ ҚАЙТА ИШЛАШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

тунукасозлар, руҳловчилар, эзувчилар, прессловчилар, бўёқчилар, юк ташувчилар, қуювчилар, слесарлар, юқорида кўрсатилган ихтисосларга шогирдлар

КЕРАК

ТОШКЕНТ ЕНГИЛ МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ЭКСПЕРИМАНТАЛ ЗАВОДИГА:

токарлар, фрезерчилар, чархловчилар, термистлар, бўёқчилар, кавшарловчилар, электр пайвандловчилар, ёрдамчи ишчилар, машинистлар

КЕРАК

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ КИЙИМЛАРНИ ЯККА ТАРТИБДА ТИКИШ ВА РЕМОНТ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ БИРЛАШМАСИГА:

қабул қилувчилар, бичиқчилар, комплектловчилар, эркаклар ва аёлларнинг устки кийимлари, енгил кўйлакларн ва шимларини тикиш бўйича мастерлар, катта бухгалтерлар ва бухгалтерлар, архивариус

КЕРАК

Ушбу адрес бўйича мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона-ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт ва район пунктлари.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

КУБОК — ПОЙТАХТ ДИНАМОЧИЛАРИДА

Ўтган шанба куни москвалик футбол мухлислари ажойиб матчнинг гувоҳи бўлдилар. Пойтахтдаги «Динамо» стадионига кейинги вақтларда бунчалик кўп томошабинлар келишмаганди.

СССР кубоги учун финал баҳсида Москванинг «Торпедо» ва «Динамо» командалари майдонга чиқдилар. Ҳар икки команда ўйинчилари ҳам биллур совринни қўлга киритиш учун бор маҳоратларини ишга солдилар. Лекин автозаводчиларга қараганда динамочилар ўйинни хотиржамлик асосига қуриб, ғалаба қилишга муваффақ бўлдилар. Учрашув тақдирини 17-минутда Казаченок киритган тўп ҳал қилди. Энди торпедочилар Европа чемпионлари кубоги, динамочилар эса кубок эгалари кубоги турнирларида иштирок этишади.

●

ҒАЛАБАДАН ҒАЛАБАНИНГ ФАРҚИ БОР

Сафарда кетма-кет икки марта ғалаба қозонган пахтакорчиларнинг бу галги ўйинларига ишқибозлар одатдагидан жуда кўп тўпландилар. Улар марказий «Пахтакор» стадионига чинакам карвонбошиларга хос ўйинни кўриш умидида келишган эди. Лекин бундай бўлмади.

Ҳозирги мухлисларни дарвозага тўп киритиб, ғалаба қозонишнинг ўзи қониқтирмайди. Уларни тезкор, кескин, замонавий футбол қизиқтиради. Афсуски, ҳамшаҳарларимизнинг ўйинлари тўғрисида бундай дейиш қийин.

Тўғри, пахтакорчилар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Лекин ютуқдан ютуқнинг фарқи бор. Бутун учрашув давомида фақат ярим ҳимоячи Жуковгина ишқибозларда яхши таассурот қолдирди. Федоровнинг бетоб бўлиб майдонга чиқа олмаганлиги, ярим ҳимоячи Михаил Аннинг диспетчерликни ҳар галгидек яхши олиб боролмаганлиги учрашувга ўз таъсирини кўрсатди.

Учрашув давомида пахтакорчиларнинг маълум даражада устунликлари сезилиб турди. Аммо команда линияларидаги ўзаро тушунмовчилик, рақиб жарима майдонидаги пала-партишликлар бу устунликка путур етказди. Фақат 33-минутда уюштирилган ҳужумгина ўз самарасини берди. Ҳужумчи Баканов ҳисобни очишга муваффақ бўлди.

Иккинчи бўлимда ҳам ўйин шу маромда давом этди. 59-минутда Исоқов ҳисобни 2:0 га етказганига қарамай, бу муваффақият пахтакорчиларни тезкор, чиройли ўйинга қанотлантира олмади. Натижада меҳмонларнинг қарши ҳужумларидан бири «Пахтакор» дарвозасининг аниқ мўлжалга олинишн билан якунланди.

Ҳамшаҳарларимиз билан изма-из келаётган Минск динамочилари навбатдаги турда Свердловск шаҳрида «Уралмаш» командаси билан учрашдилар. Бунда майдон эгалари биринчи бўлиб ҳисобни очдилар-у, ғалабани қўлда ушлаб қололмадилар. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади.

Қўшинларимиз — Душанбенинг «Помир» командаси футболчиларн Симферополнинг «Таврия» командасини қабул қилишди. Тожик футболчилари 3:1 ҳисобида устун келдилар. Қолган учрашувлар эса қуйидаги натижалар билан тугади: «Торпедо» — «Терек» — 1:1, «Колхозчи» — Спартак» [Ор] — 0:0, «Кузбасс» — «Динамо» [Л] — 0:1, «Звезда» — «Шинник» — 2:1, «Металлург» — «Спартак» [И-Ф] — 2:0, «Кривбасс» — «Нистру» — 0:0.

Энди турнир жадвалидаги вазият билан танишинг:

	К.	У.	Т.	О.
«Пахтакор»	22	33—14		31
«Динамо» Мн	22	28—12		30
«Спартак» М	22	46—30		29
«Кузбасс»	22	36—23		28
«Терек»	22	40—25		26
«Таврия»	22	28—17		26
«Нистру»	22	26—22		26
«Уралмаш»	22	33—31		25
«Шинник»	22	29—23		24
«Помир»	21	31—23		23
СКА Р	22	23—25		20
«Спартак» Ор	22	25—31		19
«Торпедо»	22	20—30		19
«Динамо» Л	21	25—32		18
«Металлург»	22	14—23		18
«Спартак» И-Ф	22	20—30		17
«Рубин»	22	21—38		16
«Кривбасс»	22	25—35		16
«Колхозчи»	22	22—41		16
«Звезда»	22	16—36		9

Навбатдаги тур учрашувлари 18 августда бўлади. Пахтакорчилар «Таврия» командасини қабул қиладилар.

А. АБДУЛЛАЕВ.

БИЛИМ МАСКАНИ

«Марказ-27» кварталида жойлашган 7-болалар кутубхонаси доимо китобхонлар билан гавжум. Кутубхонанинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ, аммо бу ер болаларнинг севимли масканига айланиб қолган.

— Биз 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларига мўлжалланган китоб фондига эгамиз, — дейди Шоира Собирова. Юзга яқин кутубхонамиз аъзоси бор. Улар иштирокида тез-тез конференция, адабий кеча, уруш ветеранлари билан учрашув ва суҳбатлар уюштирилади. Бу нарса болаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш ва китобни чин кўнгилдан севишларининг асосий омили бўлиб қолмоқда. Айниқса севимли адибларимиз Ғафур Ғулом ва Ойбек ижодига бағишлаб, ёшларнинг касб танлаши ҳақида «Ким бўлмоқчисиз?» мавзуидаги адабий суҳбатлар қизиқарли ўтди.

С. ФАҲРИДДИНОВА.



ОЛИМПИАДА ЧЎҚҚИЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ҳозир мамлакатимиздаги ҳамма спортчилар Москва олимпиадаси иштиёқида яшамоқдалар. Ватанимиз пойтахтида биринчи марта ўтказиладиган жаҳон ҳаваскор спортчиларининг бу улкан анжуманида қатнашиш, унда совринли ўринларни эгаллаш ҳар биримизнинг эзгу орзуимиздир. Мен ҳам XXI олимпия ўйинларида иштирок этиш истагида ҳозирдан тайёргарликни бошлаб юбордим.

Ўтган йили қаётимда мусобақаларга бой йил бўлди. Бир неча социалистик мамлакатларнинг гимнастикачилари ўртасидаги мусобақада қатнашиб, ғалаба қозондим. Будапештда бўлиб ўтган турнирда ҳам катта олтин медаль билан мукофотландим.

Лекин бу йил менинг ҳаётимда алоҳида ўрин тутади. Халқимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётган пайтда ҳар бир спортчи ҳам бу катта тўйёна билан боришни истайди. Шу йил Донецк ҳамда Вильнюс шаҳарларида Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиб биринчи ўринни эгаллаган эдим. Кейин эса кетма-кет халқаро мусобақаларда иштирок этдим. Руминия ва Швейцарияда ўтказилган турнирларда муваффақиятли қатнашиб, шу мамлакатларнинг биринчи даражали дипломлари ва олтин медаллари билан мукофотландим. Куни кеча эса Польшанинг Катовице шаҳридан қайтдим. Янаги йилга бўладиган жаҳон чемпионати олдидан ўтказилган бу турнир социалистик мамлакатлар резервларининг кўриги вазифасини ўтади. Шу дўстлик мусобақасида мен ҳам иштирок этиб, учта олтин ва иккита кумуш медаль билан мукофотланишим, халқаро классли СССР спорт мастери нормативини бажаришим Октябрь юбилейига совғам бўлди деб ҳисоблайман.

А. ОТАХОНОВ,
спорт гимнастикаси бўйича халқаро классли спорт мастери, мамлакат терма командасининг аъзоси.

Пойтахтдаги Киров номли маданият уйида ишлаб турган ўндан знёд тўгаракларда ишчи ва хизматчилар, ўқувчи ва студентлардан 250 дан знёд киши қатнашмоқда. Суратда: ўзбек ашула ва рақс тўгарагида ташкил этилган ансамбль иштирокчиларидан Фарида Шотемирова рубобчи Султон Ғаннев жўрлигида янги қўшиқни ижро этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 —Фильм-спектакль. 15.30 — Онамларнинг мактаби. 16.00 —Москваликлар беш йиллик маршида. 16.30 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 17.00 — Кинопрограмма. 17.45 — Концерт. 18.15 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Инсон ва қонун. 19.45—Ашула байрами. 20.45 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.00 — Бизнинг биография. 1963 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 —Севги (телефильм). 22.55 — «Музикальная жизнь». 00.05 — Волейбол. Эркаклар ўртасида финал. 00.35 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Мультфильм. 18.40 — Улар бахтимиз учун курашганлар. А. Икромов. 19.10 — Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор (телетеатр, 2-қисм). 21.00 — «Ахборот». 21.20 — О. Алимаҳсумов куйлайди. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — «Сельская жизнь». 22.45 —Салют, Мария! (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Звездочка». 19.50 Ҳамма таниган номаълум киши (бадиий фильм, 2-серия). 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Концерт.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Оқ Бим Қора Қулоқ (катта зал), Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безган (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Оқ Бим Қора Қулоқ —«ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаво шарида фантастик саёҳат — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Бу қизалоқ менга ёқади — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Оқ Бим Қора Қулоқ — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00).

Бу қизалоқ менга ёқади — «ХИВА» (21.00).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р. 02525. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1664.